



СИНХРОН ТАРЖИМА ТУШУНЧАСИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Халимова Фируза Рустамовна,

СамДЧТИ филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Калит сўзлар: *реактивлик, реципиент, аудитория, оратор, кабина, форум, тематик доира, коммуникатив ҳолат.*

Давлатлар ривожланиши, тинчлиги йўлида ташкил этиладиган халқаро ва давлатлараро ҳамкорлик алоқалари турли учрашувлар, конференциялар, семинарлар, матбуот анжуманлари ва бошқа йиғинлар шаклида олиб борилади. Ушбу турдаги учрашувларнинг бари синхрон таржима асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, бугунги кунда синхрон таржиманинг бошқа кўпгина ўринларда, масалан, муайян бир тилда яратилган кинофильмларни намоёниш этиш жараёнида параллель вақтда бошқа тилга ўгириш, телерадиоканаллар орқали тўғридан-тўғри берилаётган маълум шахсларнинг чиқишлари ёки интервьюларини бир пайтнинг ўзида бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш каби ўринларда ҳам қўлланилаётганини кўришимиз мумкин.

Синхрон таржима – бу оғзаки таржиманинг шундай турики, унда аслият тили нутқи бир вақтнинг ўзида (ёки деярли бир вақтда) ҳам идрок этилиши, ҳам таржима тилида баён қилиниши лозим бўлади [Чернов 1978:10].

Шу сабабли ҳам таржима учун алоҳида вақт ажратилиши талаб қилинмайди ва маърузачи ҳам ўз нутқини тўхтатишга мажбур бўлмайди. Бир пайтнинг ўзида оғзаки нутқни эшитиш ва уни таржима қилиш синхрон таржиманинг асосий хусусияти ҳисобланади [Бреус, Дементьев, Сладковская 1987: 108].

Синхрон таржима маълум бир тилда сўзловчи (маърузачи, чиқиш қилувчи, баёнот берувчи, саволларга жавоб берувчи ва ш.к.) билан иккинчи бир тил эгаси бўлган тингловчи ўртасида ҳеч қандай вақт талаб этмайдиган жонли алоқа, кўприк вазифасини бажаради

[Холмўминов 2019]. Унинг асосий хусусияти шундаки, биринчидан, таржиманинг бошқа турларидан фарқли равишда, унда аслият матни эшитилиб (кулоқ орқали) қабул қилинади. Иккинчидан, оғзаки таржиманинг бошқа тури, яъни сўзловчининг нутқи тугатилиб, ёки қисман тугатилиши билан амалга ошириладиган кетма-кет таржимадан фарқли равишда, синхрон таржима жараёни сўзловчининг нутқи билан бир вақтнинг ўзида (ёки деярли бир вақтда) бошланади ва тугатилади. Учинчидан, синхрон таржимон ҳам “чақмоқ тезлиги реакцияси”, яъни реактивлик ҳамда диққатини жамлаш, шунингдек, мукаммал нутқ сўзлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, синхронист (синхрон таржимон) нафақат махсус аппаратлар билан жиҳозланган кабинада ишлай олиши, шунингдек баъзи ҳолларда, объектдан узоқда бўлмаган ҳолда, яъни реципиентнинг (тингловчи, таржима матнини қабул қилувчи) олдида ҳам ишлай олиши лозим (кулоғига пичирлаб таржима қилиш).

А.Ф. Ширяев амалда синхрон таржиманинг қуйидаги уч вариантини кузатган:

- 1) эшитиб синхрон таржима қилиш;
- 2) қоғозга қараб синхрон таржима қилиш;
- 3) олдиндан таржима қилинган матни синхрон ўқиш [Ширяев 1979:3].

Г.В. Черновнинг (рус тилшуноси, синхрон таржима ва маданиятлараро мулоқот назарияси мутахассиси) “Синхрон таржима назарияси ва амалиёти” деб номланган илмий ишида синхрон таржимани амалга оширишнинг икки



чизмаси ҳақида сўз юритилган [Чернов 1978:9-10]. Биринчи чизма – бу БМТда амалга ошириладиган тўғридан-тўғри таржима қилиш усули. Унинг моҳияти шундаки, унда кабиналар сони йиғилишда ёки сессияда ишлайдиган тиллар сонига тенг бўлади. Масалан, БМТ идоралари йиғилиши бешта тилда амалга оширилса, унда рус, инглиз, француз, испан ва хитой тиллари кабиналари мавжуд бўлади. Ҳар бир кабинада иккитадан таржимон тайинланади. Барча тилдаги таржималар бир пайтнинг ўзида амалга оширилади.

Иккинчи чизма – бу етакчи тил орқали таржима қилиш. У шундай тартибда амалга оширилади: таржиманинг асосий тили белгиланади, сўнг ушбу тил орқали бошқа тилларга таржима қилинади. Масалан, агар етакчи тил рус тили этиб белгиланса, бошқа кабиналарда сўзловчи тили эмас, балки ушбу етакчи тил орқали таржималар амалга оширилади. Шундай қилиб, бундай вазиятда ҳар бир таржимон етакчи этиб тайинланиши мумкин. Синхрон таржиманинг ушбу икки чизмаси “бир босқичли” ва “икки босқичли” деб номланади.

Икки босқичли чизманинг устунлиги шундаки, унда кўпроқ тиллардан фойдаланиш имконияти бўлади, бир босқичли чизмада эса кам (тўрттагача), бироқ, бир босқичли чизма энг юқори сифатли таржимани амалга оширилишини таъминлаши билан афзалроқдир. Айниқса, стилистик жиҳатдан, чунки, икки босқичли чизма орқали таржима - манба тилидан эмас, балки етакчи этиб белгиланган тил воситасида амалга оширилади, бу эса, аслият матнини икки маротаба қайта ишлатилишини англатади, ваҳоланки, унда услуб азият чекади.

Синхрон таржима жараёнининг техник тарафига келсак, у жуда оддий. Синхрон таржима тизими бир нечта таркибий қисмлардан иборат: таржимон столлари, синхронистлар учун кулоқчинлар, микрофонлар, сигнал тарқатувчилар, шахсий эшитиш мосламалари, тингловчилар (реципиентлар) учун индивидуал кулоқчинлар, таржима кабиналари.

Синхронистлар ораторлар (маърузачилар) овозини кулоқчинлар орқали эшитишади. Улар бир пайтнинг ўзида ҳам сўзловчи нутқини тушунишлари, ҳам ўз таржималарини тинглай олишлари лозим. Шунинг учун кўпчилик таржимонлар ўз нутқларини ҳам эшитишлари мақсадида кулоқчиннинг биттасини тақишни афзал кўришади. Иш жараёнида ҳамкасби билан маслаҳатлашиб олиши учун, таржимон ўз микрофонини ўзи ёқиши ёки ўчириши мумкин. Бироқ, кабинадаги микрофон баланд овозда бўлмаслиги лозим, акс ҳолда сўзловчи нутқи яхши эшитилмаслиги мумкин.

Шундай юқори босимли фаолият жараёнида ишнинг сифатли ва самарали амалга оширилишида қулай шарт-шароитлар ҳам талаб этилади. Кабинадаги об-ҳаво ҳам нормал ҳароратда бўлиши лозим, чунки иссиқ ёки совуқ ҳарорат таржимоннинг диққатини бузишга қодир.

Аммо энг муҳими - йиғилишда зарур бўлган барча ёзма материаллар мавжудлигидир. Бунга, биринчи навбатда, кун тартиби, исм-шарифлари ва лавозимлари кўрсатилган маърузачилар рўйхати, муҳокама қилинаётган соҳа мутахассислари томонидан ишлатиладиган аниқ қисқартмалар рўйхати ва барча ишчи тилларда чоп этилган ва таржимонларга махсус атамаларни олдиндан билиши учун берилган бошқа ҳужжатлар қиради.

Таржимоннинг иш пайтида йўл қўйган хатоларини тузатиш стенографлар (инглиз тилида “*verbatim reporters*”) орқали амалга оширилади, улар йирик халқаро ташкилотларда энг муҳим учрашувларни қайд қиладилар. Агар таржимон хато қилганлигини билса, у нутқидан кейин стенографга ёзилган нутқнинг аниқ қаерида ва қандай тузатишлар киритилиши кераклигини кўрсатиб беради.

Синхрон таржимон диққатининг бўлиниши борасида олимларнинг фикрлари тафовутли эканлигига гувоҳ бўлдик. З.А. Кочкинанинг фикрича, “бировнинг фикрини идрок этиш ва ўз фикрини шакллантириш бир пайтнинг ўзида амалга ошмайди. Нутқий фаолиятнинг ушбу икки тури кетма-кет



тарзда, яъни бирининг тугатилиши билан иккинчисига ўтказилиши мумкин [Чернов 1978:21]. Бироқ, В.Г. Черновнинг фикрича, бундай фаолият мураккаблик даражасига боғлиқ бўлиб, диққат бир пайтнинг ўзида бир нечта объектларга қаратилиши мумкин. У индивиднинг шахсий қобилияти ҳамда мақсадига боғлиқ.

Синхрон таржима хусусида сўз борганда эса, айтиш мумкинки, нормал шароитлар доирасида (яхши эшитиш учун яратилган шароит, сўзловчи нутқининг ўртача суръати ва она тилига осон идрок этилиши каби ҳолларда) таржимон қийинчиликсиз ўз диққатини бўла олиши мумкин. Бироқ, акс ҳолатда “таржимоннинг диққати кодлаш ва декодлашга қаратилган бўлиб, у нутқининг бошланиши ёки тугатилиши қисмларида хато ёки қийинчиликларга дуч келиши муқаррар” [Чернов 1978: 22].

Синхрон таржимон диққатини бўлиш муаммосидан ташқари, бошқа турдаги муаммо ва саволларга ҳам дуч келади: ким ва нима ҳақида гапирилади? қаерда? қандай тадбир муносабати билан? тингловчилар кимлар? Синхрон таржимон учун муҳим саналган бу ва бу каби саволларга синхрон таржиманинг коммуникатив ҳолати жавоб бера олади.

Синхрон таржиманинг коммуникатив ҳолати – бу ситуацион контекст ёки экстралингвистик муҳитнинг шундай омиллари танловики, унда мулоқот синхрон таржима орқали амалга оширилади. Г.В. Чернов унинг қуйидаги омилларини белгилаб беради [Чернов 1987: 108]:

1. Форум (F)
2. Тематик доира(T)
3. Воқеалар доираси (E)
4. Вақт доираси (t)
5. Аудитория (A)
6. Маърузачи(S)
7. Тадбир моҳияти(M)
8. Тадбир мақсади (P)

Форум деганда “ҳалқаро ташкилотнинг навбатдаги ёки фавқулодда сессияси ёки бир марталик халқаро йиғилиш ёки конференция (конгресс, симпозиум ва бошқалар)” тушунилади

[Чернов1987:109]. Форум тематик доиралар, тадбирлар доираси, томошабинлар ва маърузачиларнинг таркиби ҳақида баъзи фикрларга эга бўлишга имкон беради.

Хабарнинг тематик доираси у ёки бу мавзуларни аниқлаш ва F, E, A ва S каби омиллар доирасини тахмин қилиш имконини беради. “Шуни таъкидлаш керакки, T омили хабарнинг ҳақиқий мазмуни билан чамбарчас боғлиқ ва фақат хабарнинг ўзи давомида тўлиқ намоён бўлади” [Чернов 1987: 109].

E фактор (воқеалар доираси) - бу форумни ташкил этиш учун асос бўлган, шунингдек, унинг фаолияти билан боғлиқ воқеалардир. Шундай қилиб, E фактори тўғрисидаги маълумот мавзулар ва форумларни аниқлаши мумкин. Айниқса, E Tни белгилаши муҳимдир.

Вақт фактори (t) – бу, соддарок айтганда, йиғилиш, симпозиум ёки конференцияни чақириш вақти.

Навбатдаги, синхрон таржиманинг коммуникатив ҳолатига тўлиқ қарашли, маърузалар ташвиқотида бағишланган аудитория – бу 1) мақсади доирасида; 2) бир турдаги маълумотлар таъсири остида (визуал-эшитиш); 3) бир хил фаолият тури билан шуғулланувчи; 4) бевосита индивидуал тарзда визуал ва эшитиш алоқалари ҳамда; 5) бир вақтнинг ўзида бир жойда жамланган одамларнинг қисқа муддатли бирлашмасидир [Чернов 1987: 110].

Аудитория таркибини била туриб F, T, S, E ва P омилларини олдиндан билиш мумкин. Айниқса, A ва Sнинг ўзаро таъсир характери муҳим саналади, чунки тингловчиларнинг ҳар бир аъзоси потенциал маърузачидир.

Маърузачи (S) билан танишиш жараёнида, аввал унинг тақдими мавзулари доирасибаён этилади, сўнгра унинг мақсади ва моҳияти тахмин қилиниши мумкин. Бу эса S омилнинг P ва M омиллари билан чамбарчас боғлиқлигини англатади [Чернов 1987: 111].

Одатда, тадбир мақсадини тадбир жараёнининг ўзида англаш осонроқ, бироқ,



унинг моҳияти маърузачининг ўзи баён этмагунига қадар сирли қолиб, таржимон ишини мураккаблаштириши муқаррар.

Синхрон таржима коммуникатив ҳолатининг амалий аҳамияти шундаки, ушбу тизим ўзига хос луғатларни тузишда

хизмат қилиши мумкин, бу эса ўз навбатида, маълумотлар тўпламининг форум ташкилотчилари томонидан синхронистларга олдиндан тақдим этилишини таъминлайди.

Адабиётлар

1. Бреус Е.В., Дементьев А.А., Сладковская Е.Н. Синхронный перевод: пути овладения профессией // Тетради переводчика: Научно-теоретический сборник. – Вып. 22. – М.: Высшая школа, 1987. – 108 с.
2. Холмўминов Ж. Синхрон таржимон: поезд билан пойгага тушган чавандоз, 2019 // <https://www.researchgate.net/publication/337655608>.
3. Чернов Г. В. Теория и практика синхронного перевода. – М.: «Международные отношения», 1978. – 208 с.
4. Чернов Г. В. Основы синхронного перевода: Учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз. / Г. В. Чернов - М.: «Высшая Школа», 1987. – 256 с.
5. Ширяев А. Ф. Синхронный перевод. М.: 1979, – 160 с.

Халимова Ф. Основные свойства синхронного перевода. В статье рассматривается понятие синхронного перевода, особенности и сфера его деятельности. Несмотря на то, что синхронный перевод является наисложнейшим видом перевода, на сегодняшний день с развитием международного сотрудничества, возрастает требование к данному способу перевода, и особенно, к специалистам этой области. Однако, следует отметить, что объем научных работ по данному предмету все еще ограничен.

Синхронный перевод - это вид устного перевода на слух, при котором речь на переводимый язык порождается одновременно (или почти одновременно) с восприятием речи на иностранный язык. Оно требует большой ответственности от синхрониста, то есть, переводчик должен уметь правильно концентрироваться, понимать и уметь выразить мысли в устной речи. Мы стали свидетелем того, что мнение ученых разделяются относительно концентрации и правильного распределения внимания требуемого от переводчика в процессе синхронного перевода.

Xalimova F. The main features of simultaneous translation. The article deals with the concept of simultaneous translation, its peculiarities and scope of activity. Despite the fact that simultaneous translation is the most difficult type of translation, today, with the development of international cooperation, there is an increasing demand for this method of translation, and especially for specialists in this field. However, it should be noted that the amount of research on this subject, in our country, is still limited.

Simultaneous translation is a type of oral translation by ear, in which speech into the translated language is generated at the same time with the perception of speech into a foreign language. It requires a lot of responsibility from the synchronic translator, that is, he must be able to concentrate correctly, understand and be able to express his mind in oral speech at the same time. We have seen that, the opinions of scientists are divided as to the concentration and correct distribution of attention required from the interpreter in the process of simultaneous translation.